



АГИОГРАФИК АСАРЛАР: ПАЙДО БЎЛИШИ, ТАРАҚҚИЁТИ, ИСТИЛОХ ТАЛҚИНИ ВА ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

Саидмурод Холбеков,
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси
ўқитувчиси
s.xolbekov79@mail.ru

Аннотация: В данной статье анализируются возникновение, развитие, терминологическая интерпретация и жанровая характеристика агиографических произведений в узбекской литературе, а также их роль в истории литературы. Агиографические произведения сначала формировались в рамках исторических сочинений, а затем претерпевали изменения в ходе своего развития. Исследован ряд проблем, таких как комплексное развитие с точки зрения жанра.

Ключевые слова и фразы: агиография, мистика, суфизм, богословие, история пророков, летописи, священные книги.

Annotation: This article analyzes the emergence, development, terminological interpretation and genre characteristics of hagiographic works in Uzbek literature, as well as their role in the history of literature. Hagiographic works were first formed within the framework of historical writings, and then underwent changes in the course of their development. A number of issues are explored, such as complex development from a genre perspective.

Key words and phrases: hagiography, mysticism, sufism, theology, history of the prophets, chronicles, holy books.

Пайғамбарлар тарихи, авлиёларнинг ибратли ҳаётидан ҳикоя қилувчи қиссалар, ҳикоятлар, дostonлар ўзбек мумтоз адабиётида ўзига хос мавқега эга. Мусаннифларнинг таъби назми, ижод намуналарининг бадиий савиясидан қатъи назар, мазкур адабий жанрдаги асарларни маълум йўналишда илмий таснифлаш ва муайян тартибда тизимли тадқиқини амалга ошириш вақти келди. Ўзбек мумтоз адабиёти турфа хил жанрларда яратилган асарларга бойлиги билан ажралиб туради. Мазкур асарларнинг баъзиларини жанр хусусиятларини тадқиқ этишга, уларнинг географик қамровини аниқлашга ва ўзбек адабиётида тутган мақомини белгилашга зарурат сезилмоқда. Дастлаб “ас-сийра ан-набавийя” бўлиб дунёга келган, ўз тараққиёти мобайнида янада кенгайиб, “агиография” деб ном олган асарлар ана шундай тасниф ва тартибга муҳтож бўлган ижод намуналари сирасига киради.

Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғатида “агиография” сўзи юнонча “hagios” – “муқаддас, илоҳий” ва “grapho” – “ёзаман”





сўзларидан олинган бўлиб, Пайғамбарлар ва авлиёларнинг ҳаёти ва саргузаштларини тасвирловчи ҳикоя ва қиссалар” дея изоҳланади [1; 21]. Вадим Полонский эса бу истилоҳни бир қадар кенгроқ изоҳлашга ҳаракат қилган. Полонский истилоҳнинг умумий ва хусусий маъноларига ҳам алоҳида эътибор қаратган:

1. Черков ижодиётининг асосий шаклларида бири, авлиё-анбиёлар ҳаёти ҳақидаги қисса; ривоят жанридаги адабиёт; 2. Илмий адабиётда “танқидий агиография” деб аталадиган агиологиянинг бир қисми – илоҳиёт назарияси сифатида тушунилади [2].

“Адабий қомусий луғат”да қуйидагича изоҳга дуч келамиз: “Христиан черкови томонидан муқаддаслаштирилган муттақийнинг мардлиги (жасорати) ёки кишиларнинг изтиробли ҳаёти ҳақида ҳикоялардир. Ўрта асрларнинг асосий адабий жанрларидан бири. Улар ўз қаҳрамонларини диний мақсадда мадҳ этувчи одатдаги биографиялардан ажралиб туради” [3; 108-109]. Агиография истилоҳининг эквиваленти (муқобили) **ЖИТИЯ СВЯТЫХНИ** “Адабиётшунослик терминлари луғати”да “манқабачи – қадимги Рус адабиётида черков томонидан муқаддас ҳисобланган бирор киши ёки авлиёлар ҳаёти тўғрисида қисса” тарзида изоҳланган [1; 121].

Агиография дастлаб пайғамбарлар ҳақидаги асарлар эканлигини Ф.Роузенталнинг: “XVIII асрлардаёқ бунёдга келган ислом лашкарларининг мамлакатларни забт этиш тарихи ҳамда Муҳаммад пайғамбар ва унинг издошлари фаолияти билан боғлиқ воқеаларни акс эттирган кўплаб китобларда агиографик адабиётга хос бўлган элементлар мавжуд” [4; 13-14] деган эътирофини асос қилиб Б.Назаров қуйидагича ёзади: “Исломий агиография Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти, фаолияти ва ҳарбий юришлари ҳақидаги хабарлар жамланган “Мамлакатларнинг забт этилиши ҳақидаги китоб”, “Ҳарбий сафарлар китоби” каби араб тилида ёзилган асарлардан бошланади” [4; 13]. Мусулмон агиографияси VII асрда дастлаб араб адабиётида вужудга келган. Уларнинг аксарияти ислом динининг асосчиси Муҳаммад пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ва унинг издошлари, халифалар ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар бўлган. У соф араб агиографик адабиётига Ўрта аср араб адабиётида сира (таржимаи ҳол) деб аталган асарларни киритиш керак, – деб ёзади Баҳодир Назаров Л.И.Соттиев фикрига суянган ҳолда [4; 17]. Ўрта асрлар





араб адабиётини текширган Н.Иброҳимов эса сиралар қаҳрамонлик эпоси намуналарига нисбатан айтилганини қайд этади. Демак, Соттиевнинг кейинги фикрларида парадокс мавжуд. Пайғамбарлар ҳақидаги асарлар “Сира”, “Сийари набий” деб юритилгани айни ҳақиқат. Лекин “Сийари набий”лар Ўрта асрларга келиб, асосан, араб халқ қиссалари – “Сийрат Антара”, “Сийрат Зоҳир Бейбарс” каби араб фольклорининг бир жанрига нисбатан қўлланила бошланган [5; 165].

Ибн Исҳоқ ва ибн Ҳишомларнинг “Ас-Сийра ан-набаввийа” асарлари агиографик асарларнинг дастлабкиларидан бўлиб, кейинчалик яратилган агиографик асарлар учун намуна вазифасини бажарган [6; 32]. Демак, пайғамбарлар ҳақидаги асарлар агиографиянинг ибтидоси бўлганлигини унутмаслик лозим. Бу қарашларнинг ҳақиқатга яқин эканлигини шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарида мухтасар баён этилган жанрлар таснифида манокібларнинг, демакки, агиография истилоҳига берган тавсифи ҳам тасдиқлайди: “... агар Тенгри азза ва жаллага ҳамд айтсалар, они тавҳид (бугунги кун истилоҳида ҳамд дейилади. – С. Х.) дерлар. Ва агар Тенгри ҳазратинда тазарруъ қилсалар муножот ўқурлар. **Ва хулафои рошидинни таъриф қилсалар, манокіб ва манқабат ва тамаддуҳ ўқурлар**” (таъкид бизники. – С. Х.). Шундан сўнг Тарозий сўзларига изоҳ бериб, фикрини янада аниқлаштиради: “*нусханинг* (яъни, маълум бир асарнинг. – С. Х.) *ибтидосин, агар наср бўлсун ё назм, фотиҳа ўқурлар. Ва интиҳосин хотима. Ва аввалиндин оғози дostonгача дебоча дерларким, ул тавҳид ва муножот ва наът ва манокіб ва мадҳ ва сабаби таълиф бўлгай*” [7; 32].

Тарозий асар аввалида келтириладиган ҳамду санолар – Аллоҳга ҳамд, пайғамбарга наътдан (баъзи бир асарларда наътдан кейин муножот ҳам келади) сўнг келадиган, чаҳорёри босафолар мадҳ этилган қисмни манокіб деб белгилайди. Бу ўзбек адабиётшунослигида манокіб ҳақидаги илк фикрлар бўлиб, кейинчалик манокіб жанр эволюцияси натижасида сўфийлар ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги асарларга нисбатан ҳам қўлланила бошланган. Демак, анбиёлар ва авлиёлар ҳақидаги манокіб-мақомотлар кейинчалик комплекс ҳолда тараққий этган жанр бўлганидан дарак беради.

Д.С.Лихачев агиографик асарларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида шундай ёзади: «Муаллиф (агиограф назарда тутилмоқда. – С.Х.) авлиёлар ҳаётномаларида фикр аввалида ўқувчиларга авлиёларнинг авлиёлиги





таърифларга сиғмаслиги ҳақида уқтиради, шундан кейин уни одатга кўра, қаҳрамонлик такомилнинг ҳамма босқичлари бўйича қатъий хронологик тартибда воқиф эта боради, авлиёнинг сўнгги мақтов сўзларидан сўнг муаллиф унинг ўлиmidан кейинги мўъжизаларини алоҳида баён этади, авлиёнинг хизматларини, ибодатлари ҳақидаги хабарнома матнлари билан тугатади. Бу қисмнинг ҳаммаси хилма-хил услубли ва турфа жанрли бўлади. Баъзида турли муаллифларга тегишли бўлган ва, ҳатто, турли даврларда ёзилган, лекин уларнинг ҳаммаси битта ансамблга йиғилган ва битта вазифага бўйсундирилган: унинг авлиёлиги ва эътиқоди кучидан ҳайратланган, руҳий кайфияти уқтирилган, авлиёлиги кўқларга кўтарилган» [8; 52].

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик Институтининг “Собрание восточных рукописей” (“Шарқ кўлёмалари тавсифи”)нинг “**Мусулмон агиографияси**” бўлиmidа фақат Қисас ул-анбиёлар, яъни Муҳаммад (алайҳиссалом)гача бўлган пайғамбарлар, Муҳаммад (алайҳиссалом) авлодлари, пайғамбар издошлари – халифаларнинг маноқиблари ҳамда Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнларнинг қиссаларини қамраб олади. Тасаввуф намояндалари ҳақида эса алоҳида бўлим мавжуд бўлиб, у “**Суфизм**” деб юритилади [9].

Демак, Фанлар академияси Шарқшунослик институти нашри “Собрание восточных рукописей” (“Шарқ кўлёмалари тавсифи”)да қилинган агиографик асарларнинг таснифи “Фунун ул-балоға”да таъкидланган “маноқиб” жанри тавсифига мос тушмоқда. Мусулмон Шарқи тарихнавислигида катта тарих китоблари Одам Атонинг яратилиши, сўнг пайғамбарларнинг қисқача тарихидан бошланган. Бу қатъий ўрнашган бир анъана тусини олган эди. Тарихчи олим Б.Аҳмедовнинг ёзишича, Банокатий жаҳон тарихини ўз ичига олган “Равзату лил-албоб фи таворихал ақобир ва-л-ансоб” (“Ақобирлар ва асил (кишилар) тарихи ҳақида оқиллар боғи”) номли асар ёзган. Асар 1317 йили ёзиб тамомланган. У муқаддима ва тўққиз қисмдан иборат: Биринчи қисм Одам Атодан то Мусо пайғамбарга қадар бўлган даврни ўз ичига олади... [10; 164]

Муъиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ут-таворих” асари умумий тарих йўсинида ёзилган асар бўлиб, оламнинг яратилишидан то Амир Темур вафотигача (1405 йил 18 феврал) мусулмон мамлакатларида юз берган воқеалар қамраб олинган [10; 168]. Навоийнинг кўрсатмаси ва ҳомийлиги билан Мирхонд





“Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулафо” (“Пайгамбарлар, подшолар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи”) номли асар яратган бўлиб, унда дунёнинг яратилишидан то 1523 йилгача бўлган Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар кенг баён қилинган [10; 184].

Демак, ўтмишда муаррихларнинг катта тарих китобларида Дунёнинг яратилиши, Одам Атодан бошлаб то пайгамбаримиз Муҳаммад (саллаллоху алайҳи васаллам), халифалар, Муҳаммад пайгамбар неваралари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнларнинг қисқача тарихи обзор тарзида берилгандан (баъзида мазкур оралиқда Эрон шоҳлари тарихи ҳам баён қилинган.

Д.С.Лихачевнинг қуйидаги сўзлари агиография жанри тарихий асарлар заминида вужудга келгани ҳақидаги қарашларни яна бир бор тасдиқлайди: “...Ўрта асрларда ҳар бир жанр заминида алоҳидаликка эришиш учун олдинга ҳаракат кучайган эди. Житие жанри (яъни, агиографиялар) **солнома жанридан ажралиб чиқиб** (таъкид бизники. – С.Х.), биргаликда етилди, нотиклик асарлари житиелардан алоҳида ривожлана борди ва ҳ. Шу боис бу жанр бошқаларидан ўз тараққиёти мобайнида илгарилаб кетди” [11; 7].

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Равзат уш-шуҳадо” асарини назмга ўгирган Фузулий ўз асарини “Ҳадиқат ус-суадо” (“Бахтлилар боғи”) деб атаган эди. Шу анъанани давом эттирган Собир Сайқалий ҳам “Равзат уш-шуҳадо” номли бир дoston ёзган. Дostonда Одам Атодан бошлаб, Муҳаммад (саллаллоху алайҳи васаллам), халифалар, Ҳазрати Али ва Пайгамбаримиз (саллаллоху алайҳи васаллам) неваралари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн воқеалари қаламга олинган. Яна бир адиб Мирзо Салимийнинг “Қаъб ул-Аҳбор ҳикоялари”да ҳам муқаддас китоблар нозил бўлган пайгамбарлар: Довуд (алайҳиссалом), Мусо (алайҳиссалом), Исо (алайҳиссалом) ва Муҳаммад (саллаллоху алайҳи васаллам)лар ҳақида қолипловчи асар битган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тадқиқотимизни мазкур икки асар мисолида олиб борганимиздан ҳам мақсад битта бўлиб, у ҳам бўлса, Тарозий томонидан манокиб деб таърифланган асарлар – пайгамбарлар ва уларнинг издошлари ҳақидаги дostonлар – “Равзат уш-шуҳадо” ҳамда “Қаъб ул-Аҳбор ҳикоялари”ни ўзаро боғлиқликда тадқиқ қилиш эди. Мазкур икки асарни бирлаштириб турадиган жиҳат – комплекс равишда ўрганилиши зарур бўлган





агиография ҳисобланади. Ишонч билан айтиш мумкинки, мазкур икки асар том маънода агиографик асарлар сирасига киради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1983.
2. Вадим Полонский. Агиография // <http://www.krugosvet.ru/articles/104/1010498/1010498a1.htm>
3. Литературный энциклопедический словарь (Под ред. В. М. Кожевникова, П. А. Николаева). – Москва: СЭ, 1987.
4. Назаров Б. Ислом агиографияси тизимида мақомотларнинг ўрни ва унинг бадий-услубий хусусиятлари. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2007.
5. Иброҳимов Н. Ўрта асрлар араб халқ адабиёти. – Т.: Фан, 1994.
6. Мухтаров Т. А., Саттиев Л. И., Шамусаров Ш. Г. Очерки средневековой арабской прозы. – Т.: Фан, 1992.
7. Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Ҳайитметов). – Т.: Хазина, 1996.
8. Лихачев Д.С. Развитие русской литературы X–XVII веков (эпохи и стили). – Л.: Наука, 1973.
9. Собрание восточных рукописей АН РУз. – Тошкент: Фан, 1952–1987 гг.
10. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – Б. 164.
11. Лихачев Д.С. Развитие русской литературы X–XVII веков (эпохи и стили). – Л.: Наука, 1973.

